Majburiy bepul nusxa
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 22 декабрь ЧОРШАНБА
№ 102 (12.322)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

**Жорий йилнинг 12-19 декабрь кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Параосиё ўйинларида Ўзбекистон паралимпиячилари 1 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза, жами 6 медални қўлга киритди.**

Нуфузли мусобақа ғолиб ва совриндорларини Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси вакиллари, спорт жамоатчилиги, мухлислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кутиб олди.

Ҳамюртларимизнинг Параосиё ўйинларида эришган муваффақиятлари Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва интилишига кўра касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шарт-шароитни яратишга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалий натижасидир.

Гуанчжоу шаҳри мезбонлик қилган Осиё паралимпиячиларининг йирик спорт анжуманида қитъамизнинг қирқдан зиёд давлатидан уч минг нафарга яқин атлет спортнинг 19 тури бўйича куч синашди.

Параосиё ўйинларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган енгил атлетикачимиз Алишер Усмонов 800 метрга югуриш баҳсларида маррага биринчи келиб, мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.

– Параосиё ўйинларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилар эканман, биз, ёшлар ўз қобилиятимизни намоён этишимиз учун барча шарт-шароит яратилган мамлакат – Ўзбекистонда яшаётганимдан чексиз фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этдим, – дейди Параосиё ўйинлари ғолиби Алишер Усмонов. – Кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Юртбошимиздан ғоят миннатдормиз.

Енгил атлетиканинг ядро улоқтириш баҳсларида Ҳусниддин Норбеков кумуш, узунликка сакрашда Дониёр Солиев бронза медални қўлга киритди. Шунингдек, 4х100 метрга югуриш баҳсида иштирок этган Алишер Усмонов, Рустам Темиров, Беҳзод Хўжаев, Аброр Иброҳимов ва Илҳом Чуйбековдан иборат терма жамоамиз шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Дзюдо бўйича беллашувларда иштирок этган Шариф Халилов эронлик Муҳаммад Али Шананини ва хитойлик Бин Фенгни мағлубиятга учратиб, кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Ҳасан Қосимовга бронза медаль насиб этди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.**



## РЎЗҒОРГА БАРАКА КИРИТАЁТГАНЛАР

**Кўпчиликнинг нонуштаси тухумсиз ўтмайди. Шунинг учун тухумга бўлган талаб кундан-кунга кучайиб бормоқда. Оҳангарон тумани Озодлик қишлоғи «Мунчоқтепа» маҳалласидаги "Дода Юсуф" масъулияти чекланган жамияти аҳоли талабини имкон қадар қондиришга ҳаракат қиляпти.**

Корхона ўтган йили ишга тушган. Ҳозир 25 маҳаллий аҳоли муқим иш билан таъминланган. Улар 65 минг товуқни парваришлаб, Оҳангарон тумани, Оҳангарон, Ангрен, Олмалиқ шаҳарларидаги мижозларга кунига 55 минг дона тухум етказиб беришяпти.

– Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадимиз бор, – дейди корхона раҳбари Нуриддин Раҳматов. – 130 минг товуқ боқиладиган қўшимча иккита бинони ишга туширмоқчимиз. Технологик линияларни Украинанинг "Техно" корхонасидан олиб келиш учун шартномаларни имзоладик. Бу линиялар электр токини анча тежайди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

СУРАТДА: смена бошлиғи Нурида Жўраева, ишчилар Ирода Жўраева ва Муножот Чиннибекова тухумларни саралашмоқда.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

## ҲОКИМ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиш ҳақидаги таклифи жойларда қизғин маъқулланиб, қўллаб-қувватланмоқда. Республиканинг барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида мамлакатимиз тараққиётининг мустаҳкам таянчи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар қизғин бошланиб кетди.**

Вилоят ҳокими Рустам Холматов барча шаҳар ва туманларда хусусий тадбиркорлик ва ишбилармонликни ихтиёр этган фуқаролар ва кичик бизнес субъектлари раҳбарлари билан бевосита жойларга чиқиб, учрашувлар ўтказмоқда. Учрашувларга вилоят газ, электр, сувоқава тармоқлари, Марказий ва тижорат банклари, ергеодезкадастр, архитектура, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари раҳбарлари ҳам таклиф этилиб, мавжуд имкониятлар атрофлича ва чуқур ўрганилмоқда, камчиликлар жойида ҳал этиб борилмоқда. Шундай учрашувларнинг дастлабкиси кеча Пискент туманида бўлиб ўтди.

Қуйида вилоят ҳокими Рустам Холматовнинг жойларда фуқароларни қабул қилиш ҳамда кичик бизнес субъектлари раҳбарлари ва хусусий тадбиркорлар билан учрашувлари жадвали эълон қилинаяпти:

| № | Туман, шаҳар | Санаси | Вақти |
|---|---|---|---|
| 1 | Ўртачирчиқ тумани | 23.12.2010 й | 10.00 |
| 2 | Бекобод тумани | 25.12.2010 й | 10.00 |
| 3 | Оққўрғон тумани | 27.12.2010 й | 15.00 |
| 4 | Бўка тумани | 3.01.2011 й | 15.00 |
| 5 | Қуйичирчиқ тумани | 5.01.2011 й | 10.00 |
| 6 | Чиноз тумани | 7.01.2011 й | 10.00 |
| 7 | Янгийўл тумани | 10.01.2011 й | 10.00 |
| 8 | Юқоричирчиқ тумани | 12.01.2011 й | 10.00 |
| 9 | Қибрай тумани | 14.01.2011 й | 15.00 |
| 10 | Зангиота тумани | 16.01.2011 й | 15.00 |
| 11 | Бўстонлиқ тумани | 18.01.2011 й | 10.00 |
| 12 | Оҳангарон тумани | 20.01.2011 й | 10.00 |
| 13 | Олмалиқ шаҳри | 22.01.2011 й | 10.00 |
| 14 | Ангрен шаҳри | 24.01.2011 й | 10.00 |
| 15 | Чирчиқ шаҳри | 26.01.2011 й | 10.00 |
| 16 | Бекобод шаҳри | 28.01.2011 й | 10.00 |
| 17 | Паркент тумани | 31.01.2011 й | 15.00 |

## ЎСМИРЛАР ТАРБИЯСИГА ЛОҚАЙД БЎЛМАНГ

**Янгийўл туманидаги 12-умумтаълим мактабида ёшлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган тадбир ўтказилди.**

Унда туман ҳокимлиги вакиллари, ички ишлар бўлими ходимлари, маҳалла оқсоқоллари ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, ота-она ва ўқувчилар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар ёшларнинг ахлоқи, уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, ўсмирлар тарбиясига лоқайд бўлмаслик хусусида тўхталдилар.

**Ирода НОРБОЕВА.**



## ЙИЛНИНГ ЭНГ БАХТЛИ АЁЛИ

**Бугунги ўзбек аёли Юртбошимиз таъбири билан айтганда "Элим деб, юртим деб ёниб яшайди". Бунинг учун барча имконият, шароит яратиб қўйилган. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ оила, жамият, жамоат ишларида фаол бўлишни истаган аёллар мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар, яратилаётган имкониятлар, уларга бўлган ҳурмат ва эътибор туфайли униб ўсди, орзуларига эришиб, жамиятда ўз ўрнини топа бошлади.**

Ватан, эл-юрт олқишидан кўкариб, кўкси тоғ, боши осмон бўлаётган аёлларимизнинг саноғи йўқ бугун. "Йил аёли" танловида иштирок этган хотин-қизлар таъкидлаганимиздек, вилоятимизнинг ўзида 3 мингдан ошиб кетди. Танлов кашф этган, бутун республика аёллари орасида "энг фаол, энг гўзал, энг меҳрибон" дея тан олиниб, "Йил аёли" номига муяссар бўлганларнинг учинчиси бугун кашф этилди. Танлов ташкилотчиси – "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси вилоятимиз вакили, чирчиқлик шифокор, Қибрайдаги кўп тармоқли болалар тиббиёт муассасаси бош шифокори Саида Мирзараҳимовани Баркамол авлод йилининг "Энг бахтли аёли" дея тан олди. Ўз навбатида вилоятимиз аҳли, айниқса, хотин-қизлари ҳам Саида Мирзараҳимовани баркамол авлод тарбияси ва соғломлиги йўлидаги фидокорона меҳнатлари туфайли эришган ютуқларини эътироф этиб, бундан буён ҳам болажонларнинг ғамхўри, жонкуяр шифокори бўлиб қолишига ишонади.

"Йил аёли – 2010" миллий танловининг ғолибига бош соврин – "Матиз" автомашинаси топширилди.

**Сайёра РАҲМОНОВА.**

СУРАТДА: "Йил аёли – 2010" танлови ғолиби Саида Мирзараҳимова.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## «КАМОЛОТ» – ЁШЛАРГА ҚАНОТ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Янгийўл тумани бўлими ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида "Диний экстремизм ва миссионерлик ҳаракатлари олдини олиш, Бўка туманидаги 4-умумтаълим мактабида "Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш", шу тумандаги 18-мактабда пиротехника воситаларининг зарарли оқибатлари, Олмалиқ шаҳридаги 20-мактабда "Биз ОИТСга қаршимиз", шу тумандаги 17-мактабда "Одам савдосининг олдини олиш", Бекобод шаҳридаги 6-мактабда "Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, диний экстремизм, ақидапарастликнинг олдини олиш" мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этди.

Тадбирлар давомида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олишди.

**Шокир ХАЛИЛОВ.**

## «БУТАЗОРДАГИ ЁРУҒЛИК НУРИ»

**Тошкент Фотосуратлар уйида кино ва театр рассоми, рангтасвирчи Александр Батиковнинг "Қуёшли бутазордаги ёруғлик нури" номли шахсий кўргазмаси очилди.**

Рассом Александр Батиков 1939 йил 26 апрелда Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида туғилган. У Ўзбекистон Бадиий Академиясининг бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси.

Кўргазмада ижодкорнинг манзара, натюрморт, портрет жанридаги картиналари ҳамда театр эскизларидан иборат 30 дан ортиқ ижодий асарлари намойиш этилди. Экспонатларнинг мавзуси олам, ҳаётий ҳодисалар, фикр ва ҳиссиётларни акс эттирувчи вазиятлар, табиат яратган гўзал неъмат ва ажойиб манзаралар тасвиридан иборатдир.

Шунингдек, ижодкор 1991-1998 йилгача "Наврўз", "Мустақиллик", "Шарқ тароналари" байрамларининг саҳнасини безатишда жонбозлик кўрсатган. Рассом меҳнати ҳукуматимиз томонидан эътироф этилиб, унга 2003 йил "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" унвони берилган.

1973 йилдан Ўзбекистон ва хориждаги кўргазмаларнинг доимий иштирокчиси А. Батиков асарлари Ўзбекистон ва Россия тасвирий санъат кўргазмаси, АҚШ, Германия, Туркия, Англия, Франция галереяларидан муносиб жой олган.

**Азима ҚИЁСОВА, "Туркистон-пресс".**

**Қибрай тумани марказидаги "Фарҳод Мадад шифо" хусусий клиникасида катта хайрия акцияси ўтказилди.**

## БЕПУЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛДИ

Кун давомида 400 дан зиёд беморнинг аҳволи текширилиб, ташҳис қўйилди.

Ушбу, акцияга республика эндокринология институтининг бир гуруҳ мутахассислари ташриф буюришди.

### 2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

**Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси олтинга тенг, дея бежиз айтилмаган. Зеро, ўтаётган ҳар сония, ҳар дақиқа ғанимат. Негаки, уни ортга қайтариб бўлмайди. Гўё кечагина Баркамол авлод йили дебочасида, улкан режалар, олам-олам орзулар остонасида турган эдик. Бугун эса режалару орзуларимиз рўёбида қутлуғ йилни кузатиш арафасида ўсиб келаётган янги авлод яна бир ёшга улғайиб, баркамоллик пиллапояларидан яна бир поғона кўтарилгани, комиллик, етуклик нурларидан баҳраманд бўлаётганини шукроналик билан кўриб турибмиз.**

## ҚАЛБИМДА ЎСТИРГАН ЛОЛАМСАН, ВАТАН!

Шундай қутлуғ кунларда "Тошкент ҳақиқати", "Ташкентская правда" газеталари таҳририяти жамоаси яна бир мароқли учрашувнинг гувоҳи бўлишди. Ижодкорларни йўқлаб, вилоятимизнинг иқтидорли ёшлари, ҳаваскор қаламкашлар ташриф буюришди. Ватан ишқи қалбларига ижод ҳавасини солган митти юраклар ҳарорати устоз ижодкорларга кўтаринки кайфият бағишлади. Ангрен шаҳридан, унинг сервиқор тоғлари, ям-яшил боғлари бағридаги сўлим қишлоқлардан келган болакайлар, ўсмир йигит-қизлар нигоҳларида ҳаётга муҳаббат, қизиқиш ва интилиш ифодалари мужассам. Оппоқ қоғоздек қалбларига ёзилган Ватан, Ота-Она, Муҳаббат, Садоқат сўзларини ўқийсиз бу маъсум кўзларда. Бу сўзлар сатрларга кўчиб, уларнинг тилида янграганида эса, Она юрт, баркамол авлод истиқболига ишонч ҳосил қиласиз.

*Энг тоза булоғимсан,*
*Жуфт кўзу қароғимсан.*
*Бошимда порлаб турган*
*Мустақил байроғимсан...*

– дейди Ангрен шаҳар академик лицейи талабаси Муқаддас Оқмаматова. Унинг "Қалбимда ўстирган лоламсан, Ватан!" шеърий гулдастаси ҳам она Ватанни, Истиқлолни улуғлайди, уни севиб, ардоқлашга ундайди.

Бундай эзгу туйғулар учрашувга келган ҳар бир ёш қаламкашнинг машқларида акс этиб туради:

*"Кўксимда урмоқда бир*
*парча юрак,*
*Ватан меҳри билан*
*йўғрилган тилак,*
*Орзу-ҳавасига эш*
*бўлиб инсон*
*Яхшиларга доим*
*эргашмоқ керак",* –

дейди Дилмурод Юсуфалиев. Бу сатрларда яхшиликка, эзгуликка интилиш бор.

(Давоми 2-бетда).

## «КАМАЛАК» ФАОЛЛАРИ СЕМИНАРИ

**Вилоят "Камалак" болалар ташкилотининг ўқув-семинари бўлиб ўтди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод камолотини таъминлаш, уларда Ватан тақдири, бугуни ва келажагига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, истеъдодли ёшларни аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда.**

Шу мақсадда "Камалак" болалар ташкилоти томонидан жойларда амалга оширилаётган қатор лойиҳалар, ўтказилаётган турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўз самарасини бераётир.

Айни пайтда Тошкент вилоятидаги 888 умумтаълим мактабида 480 мингдан ортиқ ўғил-қиз таҳсил олмоқда. Уларнинг 183 минг нафардан зиёди мазкур ташкилотга аъзо.

– Мактабларда таҳсил олаётган ўғил-қизларнинг ҳар жиҳатдан баркамол вояга етишига кўмаклашиш мақсадида жорий йилда саккиз лойиҳа асосида тадбирлар ўтказилди, – дейди вилоят "Камалак" болалар ташкилоти раиси Беҳзод Хўжақулов. – "Ёшлар турли иллатларга қарши", "Камалак" билимдонлари", "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар", "Ёзни "Камалак" ва "Камолот" билан" лойиҳалари доирасида бўлиб ўтган учрашув ва давра суҳбатлари барчада катта таассурот қолдирди. Умумтаълим муассасаларида "Сардорлар мактаби", "Ёш ижодкорлар клуби" ташкил этилди. Айниқса, "Келажак овози", "Янги авлод" каби республика танловларининг нуфузи йилдан-йилга ошиб, иштирокчилар сафи кенгайиб бораётир.

Ўқув-семинарда жойларда "Камалак" болалар ташкилоти томонидан олиб борилаётган ишлар атрофлича таҳлил қилинди, ташкилот аъзолари сафини янада кенгайтириш, улар орасидан ёш иқтидор эгаларини аниқлаш ва рағбатлантириш юзасидан галдаги вазифалар белгиланди.

**Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.**

## «МАТОНАТ»ДАН ЗЎР ҲАЙРАТ

**Зангиота туманининг Савдо-саноат матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Гулзода Юнусова ташаббус кўрсатиб, 150 фуқарони Муқимий номидаги давлат мусиқали драма театрига олиб борди.**

Шу куни зангиоталиклар "Матонат" спектаклини мароқ билан томоша қилишди. Спектаклда тараннум этилган Ватанга муҳаббат, садоқат туйғулари томошабинларда чуқур таассурот қолдирди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

